O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 15 август, № 157 (4056) Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши мажлиси тўғрисида ахборот

14 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни мамлакатимиз Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши раиси Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда минтақада ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга, мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи замонавий хавф-хатарларга қарши самарали курашишга оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда 2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда рўй берган фожиали воқеаларнинг тергови ва суд жараёнларининг якунлари кўриб чиқилди. Республика маъмурий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, прокуратура ва хавфсизлик хизматлари органларининг ушбу воқеалардан келиб чиқадиган аниқ вазифалари белгиланди.

Маъмурий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳарбийлашган тузилмалар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шарти бўлган республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммоларини ҳал қилиш, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши кураш самарадорлигини ошириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг жанговар тайёргарлик режасига мувофиқ ўтказилаётган ва Қуролли Кучларнинг қўшилма ва қисмлари шахсий таркиби жанговар маҳоратини янада такомиллаштириш, бошқарув органлари ва қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган тезкор-тактик машқларнинг бориши ҳақидаги ахбороти тингланди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди, тегишли вазирлик ва идораларга аниқ топшириқлар берилди.

(ЎзА).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча қуйи палатада Ўзбекистон халқ демократик, «Миллий тикланиш» демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик, «Адолат» социал-демократик ва Фидокорлар Миллий демократик партияларининг фракция йиғилишлари бўлди.

Фракциялар йиғилишлари

Йиғилишларда «2001 йил 31 майда Минскда имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги, «1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги ва «2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳалари (биринчи ўқиш) кўриб чиқилди.

Шунингдек, «2002 йил 7 июнь Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (2006 йил 15 июнь, Шанхай) ратификация қилиш ҳақида»ги ҳамда «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари (биринчи ўқиш) муҳокамаси ва Давлат бюджетининг 2006 йил биринчи ярим йиллиги якунлари тўғрисидаги масала ҳам мазкур йиғилишлар кун тартибидан жой олди.

Фракцияларда кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Яна 17 кундан кейин юртимизда энг улуғ, энг азиз байрамни нишонлаймиз

Қувончли айём шукуҳи ҳар бир хонадон, ҳар бир қалбга етиб борсин!

МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМИЗДА

ҚАШҚАДАРЁ МУЛОҚОТЛАРИ

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз нишонланадиган санага саноқли кунлар қолганда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Абдулла Орипов бошчилигидаги ижодкорлар гуруҳи Қашқадарё вилоятига сафар қилдик. Мақсадимиз — бу ажойиб воҳада меҳнат қилаётган замондошларимиз Мустақиллик байрамига қандай пешвоз чиқаётганликларини ўз кўзимиз билан кўриш, одамлар суҳбатини олиш эди.

Кўриб завққа тўлдик

Бундай учрашувлар, айниқса, халқ онгидаги ўзгаришларни қизиқиб кузатадиган ёзувчилар, журналистлар учун жуда катта аҳамият касб этади. Одамлар билан юзма-юз гурунглашиш, уларни ҳаяжонлантираётган масалалар хусусида суҳбатлашиш, баҳслашиш кўп ҳолларда руҳимизда янгиланиш кайфиятини туғдиради. Албатта, пойтахтдаги мавжуд муҳит ва юритилаётган сиёсат чекка қишлоқларда, олис туманларда қандай қабул қилинаётганлигини, одамларимиз бугунги кунда қандай орзулар билан нафас олаётганлигини билиш нафақат қалам аҳли учун, балки ўз Ватани ривожига бефарқ бўлмаган ҳар қандай фуқаро учун қизиқарлидир. Шу жиҳатдан олганда, Қашқадарёда амалга оширилаётган ислоҳотлар, кўз ўнгимизда рўй бераётган ўзгаришлар сафар қатнашчиларини мамнун этди.

Табиийки, биринчи нигоҳимиз вилоят маркази Қарши шаҳридаги таниб бўлмас даражада рўй берган ўзгаришларга тушди. Янгидан қад ростлаган баланд ҳавозали сув саройлари, қишин-ёзин мусобақалар ўтказиш имконига эга спорт иншоотлари ҳар қандай томошабиннинг завқини келтиради.

— Ҳа, шўролар даврида битта бино қуриш учун «марказ»нинг ижозатини олиш илинжида қанча сарсон-саргардонлик бўлардик, — дейди ҳамроҳимиз «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов. — Энди эса эркимиз ўз қўлимизда. Шундай кўркам бинолар, яратилган шароитга ҳар қандай ривожланган мамлакатнинг ёшлари ҳавас қилса арзийди.

Қадриятлар эл эъзозида

Ўзининг 2700 йиллик тўйига ҳозирлик кўраётган Қаршида бунёд этилган ажойиб иншоотларни кўрганлар жорий йилнинг баҳорида «Умид ниҳоллари» мусобақаси ўтказилганлигини ёдга олиб, шу тадбир баҳона шаҳар гўзаллашиб қолди, деган фикрга бориши мумкин. Буям тўғри. Лекин қаршиликлар маънавий ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар фақат спорт жабҳаси билан чекланиб қолмайди. Бу қадим шаҳарда бир неча аср муқаддам қурилган ва шу давр мобайнида йиллар тўзонидан ғубор босган обидалар янгидан жамол очаётганлигини эътироф этмаслик мумкин эмас. XVI асрда Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II томонидан бунёд этилган намозгоҳ бугун аслидагидан ҳам ёрқин кўриниш касб этмоқда. Атрофида очилган кенг майдонлар эса ободонлаштирилмоқда. Сал нарида Одина масжиди ўтмишнинг мураккаб тақдирли обидаларидан биридир. Шўро даврида у қамоқхонага айлантирилган. Бугун обида тамомила қайта таъмирланиб, ўзи ва атрофи гўзал зиёратгоҳга айлантирилмоқда. Бу ишлар Қашқадарёда халқнинг азалий қадриятлари қанчалик эъзозланаётганлигини ифода этади.

Ижодкорлар гуруҳи билан вилоятнинг ичкари туманларига йўл олар эканмиз, ҳар қадамда учраган янги қурилишлар, замонавий инфратузилма масканлари баҳри дилимизни очади. Кимдир бир жойдаги атаманинг ўзгарганлигини изоҳласа, яна биров ўша гўшанинг асрий тарихидан билганларини баён этади. Ғузор туманида Қашқадарё дарёсининг ўнг томонида бунёд этилган «Тоҳир ва Зуҳра» хиёбони кўз ўнгимизда гавдаланиб турарди. Мезбонларимиздан файласуф олим Абдураҳим Эркаев бу хиёбондаги ҳар бир ёдгорликнинг рамзий маъноларини меҳмонларга шарҳлаб берди. Барчанинг кўнглида болаликдан таниш эртак воқеалари жонланди. Тўртбурчак кўл ичида турган қулфли сандиқ ўша сеҳрли воқеалардан қолган бир нишонадай.

— Бу обида чин маънода муҳаббат саждагоҳидир, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов. — Ўтмишини эъзозлаган халқ кўнглида азалдан эзгулик борлиги боис шундай ҳайкал ўрнатилган.

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги соатда

Туркиянинг Истамбул шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик «чарм қўлқоп» усталари муваффақиятли иштирок этдилар.

Азамат – жаҳон чемпиони

Ғолиб спортчилар Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди. Мусобақада фарғоналик Азамат Абдуҳакимов ўз вазн тоифасида (63 килограмм) барча рақибларини доғда қолдириб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Яна бир фарғоналик боксчи Зоҳид Султонов эса (80 килограмм вазнда) кумуш медални қўлга киритди.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИДАГИ НАҚШЛАР

Бир савол

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги барчага маълум. Сиз ана шу бурчни адо этиш учун нималар қилдингиз?

Абдураҳим УМАРОВ, Республика махсус ижодий ишлаб чиқариш «Уста» уюшмаси раиси, меъмор, ганчкор уста.

— Умр дарёдек оқиб, кунлар елдек ўтган сари юртимизнинг ортда қолаётган сермашаққат, лекин зафарли ўн беш йиллик одими, бу даврда амалга оширилган оламшумул ислоҳотлар кўз ўнгимдан бирма-бир ўтади. Хаёлимни чулғаб олган биз ким эдигу, ким бўлдик, деган ўй, савол менга сира тинчлик бермайди.

Дунёнинг забардаст давлатларида ўзбек амалий санъатини, қадимий меъморий анъаналаримизни кўз-кўз қилаётган, юртимиздаги бунёдкорлик ишларида ўз маҳоратларини намойиш этаётган усталаримиз, уларга бўлаётган эътибору эъзозни кўриб, ўзим гувоҳи бўлганим учун ҳам дилимдаги бу саволларимга жавоб топгандек бўламан.

Айтинг, қайси замонда, қайси юртда халқ амалий санъати усталари бунчалик эркин ижод қилишган. Ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатга эга бўлишган. Тан олиш керак, халқ амалий санъатини, миллий меъморчилик анъаналарини асраш ва ривожлантириш ишлари фақат шу ўтган йиллар мобайнида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Унутилаёзган миллий қадриятларимиз, меъморчилигимизнинг бой меросини қайта тиклашга, дунёга танитишга йўналтирилган фармонлар, қарорлардан ташқари, Юртбошимизнинг кўрсатмалари, маслаҳатлари биз, усталар ижодига ривож берди.

Эътибор берган бўлсангиз, Ўзбекистонда кейинги йилларда бунёд этилган мустақиллик иншоотларини безатишда машҳур обидаларимизда сақлаб қолинган меъморий услуб ва анъаналар замонавий тусда қўлланди. Қадимий нақшинкор муқарнаслар, тиллаҳал гумбазлар, ҳовузаклар, ўймакор айвонлар, шарафалару сиркор кошинлар қайта тикланди. Юртимизнинг барча минтақаларида олиб борилган бунёдкорлик ишларига халқ усталари фаол жалб этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолари, Темурийлар тарихи, Археология музейларининг гумбазларидаги нақшинкор безакларни, Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, «Туркистон» концерт зали биноларидаги ганчкор нақшларни яратишда ўзбек халқ усталарининг маҳоратлари янада намоён бўлди.

Машҳур алломаларнинг зиёратгоҳларини обод этишдек, улар билан боғлиқ биноларни қайта тиклашдек хайрли ишларда қатнашиш биз учун катта синов бўлди, десам янглишмайман. Ўтган йиллар мобайнида Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд тарихий-меъморий мажмуаларида миллий анъаналаримизга хос фусункор ўйма нақшли айвонлар, ганч ва кошин безаклар яратдик. Бунда республикамизнинг ҳар бир вилоятига хос анъанавий ижодий мактаблар услубидан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Олиб борилган хайрли юмушлар эътирофсиз қолмади, албатта. Усталаримизнинг қўллари «Ўзбекистон халқ устаси» фахрий унвонига сазовор бўлдилар.

Ана шундай кенг кўламли бунёдкорлик ишларини изчил давом эттириш, миллий-маданий меросимизни жаҳон маданиятининг юксак чўққиларига етишига эришиш учун биз ҳали кўп ўрганишимиз, изланишимиз, ўз устимизда ишлашимиз лозим. Чунки тарих зарварақларидаги нақшлар жилоси инсониятни ҳамиша ўзига чорлаб туравераді.

«Халқ сўзи» мухбири Умида ФАЙЗИЕВА ёзиб олди.

Кўргазма

Давлатимиз раҳбарияти томонидан мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш соҳасида хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини кўпайтириш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида таркибий ислоҳотларни чуқурлаштириш чоралари кўрилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар эса ўз самарасини бермоқда.

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»

Мисол учун, жорий йилнинг биринчи ярмида 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан ялпи ички маҳсулот 6,6 фоизга, саноат маҳсулотлари 9,7 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эса 7,2 фоизга ортди.

Айни кунларда пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" анъанавий кўргазмасига тайёргарлик қизғин кечмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик тўйига бағишланган ушбу кўргазма 22-25 август кунлари бўлиб ўтади. Унда юртимизда фаолият кўрсатаётган 70 дан зиёд ишлаб чиқариш субъектлари иштирок этади.

Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, бу галги кўргазма аввалгиларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Хусусан, павильонларда энергетика, геология ва минерология, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, мева-сабзовот маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларига оид ускуна ва жиҳозларга кенг ўрин берилади. Муҳими, кўргазмада намойиш қилинаётган барча экспонатлар мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилгандир.

Кўргазма давомида тадбиркорлар ўзаро шериклик битимларини тузишлари, олди-сотди шартномаларини имзолашлари ҳам мумкинки, бу улар учун жуда фойдалидир.

Дилфуза ҲАСАНОВА.

Навбатдаги сонларда

Қонун – жамият таянчи

Сенатор сўз сўрайди

Августдаги зарбдор меҳнат – пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

Андишанинг оти қўрқоқ эмас

Ёзувчи муаммо қўяди

ҚАШҚАДАРЁ МУЛОҚОТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сизга ҳавас қилишсин

Қамаши туманидаги педагогика касб-ҳунар коллежи ҳовлисига қадам қўйганимизда бу ажойиб ўқув даргоҳи қанчалик файзли, обод ва шукуҳли эканлиги барчанинг эътиборини тортди. Мазкур замонавий билим даргоҳига 2001 йилда мамлакатимиз Президенти ташриф буюрган, шундан кейин ҳам бу ердаги ўзгаришлардан муттасил воқиф бўлиб турганлигини коллеж раҳбарияти алоҳида ғурур билан ҳикоя қилди.

— Шундай жойларда пойтахтдаги ёшлар ҳавас қилса арзийдиган коллеж қурилганига қойил қолдим, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир. — Сизлардаги ажойиб ўзгаришлар тўғрисида Тошкент вилояти халқига, паркентликларга мароқ билан гапириб берадиган бўлдим. Байрамингиз, шу шодиёна арафасида эришган ютуқларингиз муборак бўлсин!

Коллеж мажлислар залида мушоира авжига чиқди. Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўткир Раҳмат, Сирожиддин Саййид, Икром Отамурод, Насриддин Муҳаммадиев, Салим Ашур, Момохол Элмуродова, Холмуҳаммад Ҳасан, Зебо Мирзаева, Рустам Мусурмон, Зулфия мукофоти совриндори Гулинигор Авазова ва бошқалар тўпланганлар ҳузурида Ватан ва истиқлол ҳақида дил сўзларини баён этишди. Одамлар юз-кўзларидаги ўзгаришлар бу заминда амалга оширилаётган улуғвор ишларни гўё ўзида акс эттиргандай. Минг шукрки, дунёнинг бошқа бир бурчакларида, хусусан, Яқин Шарқда тинч-омон яшаш муаммо бўлиб турганида Ўзбекистон қадоқ қўлли фидойилар ғайратидан кун сайин, соат сайин гуллаб-яшнамоқда. Ахир, одам боласи учун осойишта турмушдан ҳам юксак неъмат борми?!

Қашқадарёга хос бўлган жазирама бутун атрофни ловуллатади. Меҳмонлар кун ярмидан оққан бир дамда аввал Яккабоғ туманидаги Хўжаилғор ота зиёратгоҳини бориб кўришди. Зиёратгоҳда Амир Темур бобокалонимиз даст кўтарган 120 килолик тош сақланмоқда. Эзгу дуоларга эш тиловатдан сўнг яна йўл юриб шу тумандаги Тотор деган хушманзара гўшага йўл олдик. Яратганнинг иноятини қарангки, бутун ён-атроф иссиқ ҳаво ҳароратидан қизиган бир пайтда юксак Ҳисор тоғи этакларида, Қизил дарё соҳилида ўзгача иқлим. Майин шабада, салқин муҳит кўнгилларга ором беради. Ватанимиз табиатининг бундай бетакрор гўшалари ижод аҳлида катта таассурот қолдирди.

Шу куни оқшом Шаҳрисабз тумани ҳудудидаги Мираки қишлоғида тунадик. Ана табиат, мана гўзаллик! Ҳисорак сув омборидан чиқиб пишқириб оқаётган сув салқини шу ердаги оромгоҳга ажиб иқлим ато этмоқда. Осмондаги ғуж-ғуж юлдузлар табиат манзарасига уйғунлашиб кетган.

Томга тикилган байроқ

Навбатдаги тонгни Шаҳрисабз зиёратидан бошладик. Оқсарой обидаси тепасида Ўзбекистон байроғи ажиб қилпираб турибди. Ҳафсалали одамлар обида тепасига чиқиб шаҳри Кешни кузатмоқда. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган Амир Темур ҳайкали кўркам майдонга ўзгача салобат бахш этиб турибди.

— Бу йил мазкур ҳайкалнинг қад ростлаганига 10 йил тўлади, — дейди туман ҳокими Ўктам Хидиров. — Халқимиз истиқлолнинг 15 йиллиги, Қаршининг 2700 йиллиги ва ушбу ҳайкал ўрнатилгани санасини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олишга чоғланмоқда. Шаҳар ўртасидаги бозор янги жойга кўчирилган. Оқсаройдан Кўкгумбаз обидасигача бўлган масофа очилиб, кенг зиёратгоҳ мажмуага айлантирилади. Шаҳрисабзга келган меҳмонлар, сайёҳлар бу замин чинакам илм ва маърифат шаҳри эканлигини таъкидлаётганликларидан мамнунмиз.

Шаҳар марказидаги Маданият саройида ўтказилган учрашув янгича фикрларни ўзида мужассам этди. Худди шу ерда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кўчма котибияти ўтказилди, унда маҳаллий ижодкорлардан бир нечтаси ушбу уюшма аъзолигига қабул қилинди.

Болажонлар оғушида

Китоб тумани тоғлари орасида жойлашган Муборак нефтгаз унитар шўъба корхонасига қарашли «Ёш алангачи» оромгоҳидаги учрашув, айниқса, қизғин ва мароқли ўтди. Бу ерда ёзги таътилни ўтказаётган болакайлар Ўзбекистон Давлат мадҳияси муаллифини ўз кўчоқларига олишди. Халқ шоири ҳам қадрдон набиралари билан дийдорлашгандек кўнгли қувончга тўлди. Бу манзарани кузатиб туриб, бизни янада юксак марраларга чорлаётган, Ўзбекистонимиз келажаги буюк эканлигига дилимизда ишонч туйғусини оширган омил — ёшлар, болалар эканлигига ишонасиз. Уларнинг кўпчилиги элга машҳур шоирнинг шеърларини шариллатиб ёддан айтишди. Бундай жозибали дийдорлашув болакайлар қалбида умрбод муҳрланиши турган гап, айни пайтда биз ҳам бу ажиб мулоқотдан қаттиқ таъсирландик.

Қашқадарё, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қандай мева бераётганлигига жонли кўргазма бўла олади. Вилоятдаги пешқадам фермерлар йилдан-йилга кучга тўлиб, сармояни кўпайтириб, ҳар бир байрам арафасида кам таъминланган хонадонларга саховат кўрсатмоқда. Эҳтиёждан ортиқча маҳсулотнинг яна бир қисми бозордагидан 50 фоиз арзон баҳода ярмаркалар растасида сотилмоқда. Булар шунчаки кўргазма эмас, бағрикенг халқнинг сахий табиатини ифода этадиган манзаралардир.

Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган бир-биридан қизиқарли мулоқотларда биз бунга ишонч ҳосил қилдик.

Ш. ЖАББОРОВ,
М. САФАРОВ,
Я. ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи»нинг махсус мухбирлари.

Пок ният билан қилинган зиёрат ижод аҳлига илҳом бахш этгани шубҳасиз.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Ричард Баучернинг яқинда Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи икки томонлама муносабатларда жиддий ўзгариш ясай олди, деб қайд этилмади.

Р. Баучернинг ташрифига берилган баҳоларга доир

Нима бўлганда ҳам АҚШ Тошкентнинг Афғонистондаги уруш кезлари исбот этилган стратегик аҳамиятини инкор этолмайди. Ўзбекистон Марказий Осиёда энг қудратли қуролли кучларга ва бой табиий захираларга эга бўлган йирик мамлакатдир. Ўзбекистон мусулмон мамлакати бўлиб, АҚШ ва НАТО кучлари назорат қила олмаётган Афғонистон билан чегарадош. Ўзбекистондаги беқарорлик бутун Марказий Осиё инқирозини англатади. Бундан ташқари, Вашингтон мусулмон дунёсига «яхши қиёфасини» намойиш этиши лозимки, қарийб 27 миллион мусулмон истиқомат қиладиган Ўзбекистон бунинг учун жуда яхши майдон бўлиши мумкин.

2005 йили америкаликлар мамлакатнинг ички ишларига аралашиб, маълум бўлганидек, хато ёндошувни танлашганидан сўнг икки томонлама муносабатлар, юмшоқ қилиб айтганда, қийинлашди. Бунда Россия Марказий Осиёнинг аксарият ҳудудида ва айниқса, Ўзбекистонда ўз таъсирини тиклаб олди. Президентлар Владимир Путин ҳамда Ислом Каримов ўзаро бир-бирини тўғри англашувга эришишди, Тошкентдаги вазиятни ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат Россиянинг Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаши йўлидаги чиқишига сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантириш таъкидланди. Тошкент ГУУАМдан чиқиб кетиши оқибатида ташкилотнинг аҳамияти кескин камайиб, унга бўлган ишончга жиддий путур етди.

Табиий савол туғилади: Вашингтон ўтмишдаги хатоларини тўғрилаш ниятидами? Бундан ташқари, Буш маъмурияти дунёнинг турли минтақаларида демократиянинг америкача усулини (ўзига хос «демократлаштириш жараёни») ноғарбий давлатлар дунёқараши, қадриятлари, тарихи ва маданиятини инобатга олмаган ҳолда тарқатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари муваффақиятсизликка учраганини ниҳоят тушуниб етганмикан?

Эҳтимол АҚШ ўзининг Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонга бўлган қарашларини ўзгартириб, Ғарб номи остида яширинган, аслида эса АҚШ томонидан илгари суриладиган қадриятларни қабул қилиш тўғрисидаги ақл бовар қилмас талаблардан воз кечган ҳолда бугунги кундаги ҳақиқий вазиятни идрок этиб, АҚШнинг минтақадаги таъсири чекланганини ҳисобга олувчи прагматик стратегияни танлашга мажбур бўлар.

Лекин шу билан бир қаторда мен Вашингтоннинг минтақадаги ўз таъсирини тиклаш борасидаги уринишлари ҳеч бўлмаганда яқин келажакда муваффақият қозонишига катта шубҳа билан қарайман. Бунинг иккита асосий сабаби бор. Биринчидан, кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон АҚШ ўзининг муҳим манфаати учун улардан қанча керак бўлса шунча фойдаланиб, сўнгра унутгани ва ҳатто суверенитетини издан чиқаришга уринганидан ранжиган. Аксинча, Россия ва қайсидир даражада Хитой улар учун зарур бўлган хавфсизликни таъминлаб берди. Иккинчи сабаб — бу АҚШ бутун дунёда, хусусан, Шимолий Корея, Эрон, Ироқ, Афғонистон, умуман, Яқин Шарқда кўплаб «очиқ яралар»га эга эканлигидир. Шунинг эҳтимоли юқоридирки, Вашингтон диққат-эътиборини уларга қаратиб, дунёнинг жуда муаммобанд ҳудудларида кўп вақт ва куч сарфлашда давом этади.

Константинос ФИЛИС,
Пантеон университетининг Халқаро муаммолар институти ҳузуридаги Россия ва Евроосиё маркази директори.

Афина.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизматининг хабари

Бош прокуратура томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси чегаларида гиёвандлик моддалари, қурол-яроғ ва ўқ-дориларнинг контрабандаси ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш аҳволи ўрганилди.

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ўзаро ҳамкорлик режалари асосида наркотрафик ва унинг тарқалиши устидан назорат самарадорлигини ошириш, шунингдек, тақиқланган буюм ва моллар контрабандасининг бошқа кўринишларини олдини олиш мақсадида комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2005 йилнинг январ ойидан 2006 йил июнь ойига қадар республика бўйича гиёвандлик моддаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 13311 та жиноятлар фош қилинди. 2173,9 кг. гиёҳвандлик моддалари, шу жумладан 795,9 кг. героин, 539,5 кг опий ва 838,1 кг. бошқа турдаги моддалар олиб қўйилди. Наркотрафик ва гиёҳвандлик моддаларининг ўтказилиши билан боғлиқ жиноятларнинг сони 54 фоиздан ошди.

Шу билан бирга, МДҲ ва Европа давлатларига гиёҳвандлик моддаларини ўтказиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудидан фойдаланишга ҳаракат қилган 1088 та ҳудудлараро жиноий гуруҳларнинг фаолиятига чек қўйилди.

Эксперт текширувлар натижаларига кўра, Ўзбекистон ҳудудида олиб қўйилган гиёҳвандлик воситаларининг асосий қисми Афғонистонда тайёрланган.

2006 йилнинг 1-ярмида наркотрафикка қарши қаратилган чораларнинг кучайтирилиши натижасида у билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,1 фоизга (авалги йилдаги 4354 тадан 4882 тага) кўпроқ фош этилди. Олиб қўйилган гиёҳвандлик воситаларнинг миқдори 1,9 маротаба кўпайиб, 966,4 кг.га етди (518,9 кг).

Айниқса, Тожикистон Республикаси билан чегарада нохуш ҳолат сақланиб қолмоқда. 2006 йилнинг 1-ярмида фош этилган 33 та ҳолат бўйича олиб қўйилган гиёҳвандлик моддалар жами аниқланган воситаларнинг ярмидан кўпини ташкил қилди (966,4 кг.дан 524,2 кг.). Шу жумладан, 10 та ҳолатда гиёҳвандлик воситаларини Ўзбекистон ҳудудида сотишга, 23 та ҳолдатда эса – йирик партияларни ҳудудимиз орқали олиб ўтишга ҳаракат қилиш ҳоллари аниқланган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида мавжуд бўлган тезкор маълумотларга кўра, гиёҳвандлик воситалари асосан Тожикистон Республикаси билан чегарадош Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари орқали олиб ўтилмоқда.

Тожикистон фуқаролари наркотрафикнинг асосий ташкилотчилари бўлиб, улар Ўзбекистоннинг чегарадош ҳудудларида яшовчи фуқароларни мақсадли равишда наркобизнесга жалб қилмоқдалар.

Шу билан бирга, 2005 йил ва жорий йилнинг 1-ярмида қурол-яроғ ва ўқ-дориларни ноқонуний сақлаш ва контрабанда қилиш билан боғлиқ 1616 та жиноятлар фош қилинди, турли хилдаги 2061 та ўқ отар қурол, 21640 дона ўқ-дорилар олиб қўйилди. Диний-экстремистик мазмундаги адабиётларни олиб кириш ва тарқатиш билан боғлиқ 534 та ҳолат қайд қилинди, улар бўйича диний экстремизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган 52,8 минг нашрий ҳамда 10,2 мингдан зиёд аудио ва видео маҳсулотлар олиб қўйилди.

Шу жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистон чегараси ҳамда чегарадош ҳудудларда қурол-яроғ ва ўқ-дорилар контрабандаси билан боғлиқ 44 та ҳолат, диний-экстремистик адабиётларни олиб кириш билан боғлиқ 4 та ҳолат аниқланди, бу борада 105 дона қурол, 2658 дона ўқ-дорилар, 438 нусха адабиётлар олиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, қурол-яроғлар ва ўқ-дориларнинг ноқонуний муомаласи ва контрабандасига қарши кураш ҳамда конституциявий тузумни ағдариш мақсадини кўзлайдиган материалларни тарқатишга қаратилган уринишларга чек қўйиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 12 август.
Ҳайдарали Юнусов «Истиқлол тарихий ҳодиса...»:

«Мустақиллик кўп қиррали ва чуқур мазмунга эга бўлган ижтимоий ҳодиса. У фақат қонунлар ва сиёсий баёнотлар билангина яратилмайди. Мустақиллик биринчи навбатда озодликка интилаётган халқ ёки миллат томонидан ҳис этилмоғи, мазкур миллатга мансуб ҳар бир фуқаро томонидан тўла англаб олинмоғи лозим».

«Ишонч» 12 август.
Нурилла Шамсиев «Қотил «келин»:

«Бир инсон ҳаётдан кўз юмиб кетди. Аммо 200 минг сўмга эга бўлган Роберт ҳам, қайнонадан қутулган Светлана ҳам орзуларига эриша олмади. Уларнинг хом хаёллари амалга ошмади. Ёвузлик, бешафқатлик уларни яна бир йўлакда учраштирди. Аммо бу галги юзма-юз учрашув афсус-надоматлар билан тўлиб-тошганди».

«Маърифат» 12 август.
Қурбонбой Маткурбонов «Садриддин Салим Бухорий: Ҳамиша яхшиликни ихтиёр эт!»:

« — Дунёдаги энг савоб иш, бу кишилар кўнглини шод этмоқ, етимлар бошини силамоқ, беморлар ҳолидан хабар олмоқ, камбағалларга қарашмоқдир.

Бундай ўйлаб қарсак, ҳаммамиз бир-биримизга ғаниматмиз. Лекин фожеа шундаки, мана шу ғаниматэканлигимизни ҳаммамиз ҳам билмаймиз».

«Қадрият» 12 август.
Азим Суюн «Олам — ҳикмат китоби»:

«Эртакларда девлар жони ўзида эмас, аллақаерларда: ғорларда, тоғлар ичида, сандиқлардами сақланар экан. Чин инсон жони эса ҳамиша Ватанда сақланади!»

«Термиз оқшоми» 14 август.
Холмўмин Худойкулов «Нонинг ширинлигин бизлардан сўранг»:

«Бундан бир неча йил бурун Какайди қўрғонида туман ва ширкат раҳбарларининг бир деҳқоннинг бош тортиб турган буғдойзорини тракторда ҳайдаттириб ташлаётганини кўриб маъсум ва беғубор болалик давримда «нонга ҳам тўяр кун бормикан» деб, опамнинг нонидан шартлашиб қудуққа тушиб кетган машъум дамларни эслаб, тўйиб-тўйиб йиғлаганман».

Андижонлик Мафтунабону Тўхтасиновани бугун кўпчилик яхши танийди. У сузиш бўйича Ўзбекистон қишки чемпионати ва биринчилигида барча гуруҳларда қатнашиб, тўрт марта мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. 200 метрга чалқанча усулда сузишда эса 2,25 дақиқа натижага эришиб, Ўзбекистон мутлақ рекордини ўрнатди ва спорт устаси талабини бажарди.

11 ёшида спорт устаси талабини бажариш жаҳон сув спорти тарихида жуда кам учрайдиган ҳолат. Мамлакатимиз спорт тарихида эса ҳали кузатилмаган. Мафтуна бундан ташқари кўплаб чет мамлакатларда ўтказилган нуфузли мусобақаларда шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Албатта, бу муваффақият замирида Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва ёш авлод тарбиясига берилаётган катта эътибор ётибди...

ОЛИМП ЧЎҚҚИСИДА

Маълумки, спорт мусобақалари ичида энг нуфузлиси Олимпиада ўйинлари ҳисобланади. Юртимиз мустақилликка эришгач, барча соҳалар қатори спортга ҳам алоҳида эътибор берила бошлади. 1992 йилнинг 21 январь куни Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ташкил этилди. 1993 йилнинг сентябрь ойида Халқаро Олимпия қўмитасининг 101-сессиясида Ўзбекистон қўмитага тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Осиё Олимпия ҳаракати ва минтақавий ташкилот — Осиё Олимпия кенгашининг аъзоси саналади.

Мустақилликка эришгунга қадар Ўзбекистон вакиллари тўққизта Олимпиада ўйинларида иштирок этишган. Салкам қирқ йил мобайнида ушбу мусобақаларда 45 тагина ўзбек спортчиси қатнашган, холос. Бу ҳар бир Олимпиадада ўртача беш нафардан спортчи иштирок этган, дегани. Шунга қарамай, улар спортнинг 17 турида 31 та турли даражадаги медалларни қўлга киритишган эди. 1980 йилда Москвада ўтган Олимпиада ўйинларида 15 нафар спортчимиз иштирок этган. Бу собиқ шўролар даврида энг кўп спортчимиз қатнашган Олимпиада ҳисобланади.

1992 йилда Барселонада ўтган Олимпиадада мамлакатимиздан 17 нафар спортчи иштирок этди. Улар ўшанда Ҳамдўстлик терма жамоаси таркибида майдонга тушган эди. Шунга қарамай, спортчиларимиз олтита турли даражадаги медалларга сазовор бўлдилар. Жумладан, гимнастикачиларимиз Оксана Чусовитина ва Розалия Галиева, енгил атлетикачимиз Мария Шмонина олтин, штангачимиз Сергей Сирцов ва мерганимиз Анатолий Асрабоев кумуш, қиличбоз Валерий Захаревич эса бронза медалини қўлга киритди.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг спортчиларимиз тўртта (Барселонада Ҳамдўстлик таркибида қатнашганини ҳам ҳисобга олсак) ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этди. Сиднейда ўтган XXVII ёзги ўйинларда 77 спортчимиз қатнашди. Сўнгги тўрт йилликнинг энг йирик мусобақаси Афина Олимпиадасида ҳам салкам шунча спортчимиз иштирок этди. Фақат иштирокчилар сони эмас, улар қўлга киритган медаллар сони ва сифати ҳам кўпайиб бораётир. Гапимизнинг исботи учун мисолларга мурожаат қилайлик. 1996 йили Атлантада ўтган XXVI ёзги Олимпиада ўйинларида 76 спортчимиз мусобақанинг 13 турида иштирок этди. Дзюдочимиз Армен Богдасаров кумуш, боксчимиз Карим Тўлаганов эса бронза медалини қўлга киритди. Жамоамиз икки юзга яқин давлатлар орасида 58-ўринни эгаллади. Тўрт йилдан сўнгги Сидней Олимпиадасида спортчиларимиз битта олтин (боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев), битта кумуш (эркин курашчи Артур Таймазов), иккита бронза (боксчилар Сергей Михайлов ва Рустам Саидов) олишга муваффақ бўлишди. Натижада жамоа ҳисобида 41-ўринни эгалладик. Ўтган йил бўлиб ўтган Афина Олимпиадасида эса (34-ўрин) етти поғона юқорига кўтарилдик. Александр Доктурашвили ва Артур Таймазов олтин, Магомед Ибрагимов кумуш, Баҳодир Султонов ҳамда Ўткирбек Ҳайдаров эса бронза медалига сазовор бўлди.

Олимпиада дастурига киритилган спорт турларида ҳамюртларимиз эришган ютуқлар ҳақида халқаро спорт доираларида бот-бот гапирилмоқда. 1996 йилнинг февралида Халқаро Олимпия қўмитаси қароргоҳи жойлашган Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Олимпия олтин ордени топширилди. 1997 йили Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ас-Сабаҳ Юртбошимизга Осиё Олимпия кенгашининг олтин Олимпия орденини топширди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Миллий олимпия қўмиталари ассоциациясининг олтин орденига ҳам лойиқ деб топилди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда спортга бўлган алоҳида эътибор ва унда эришган ютуқларимизнинг халқаро эътирофидир.

2002 йили Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши мамлакатда спортни оммалаштириш йўлида катта қадам бўлди. Жамғарма маблағлари ҳисобига ўтган даврда юртимизда юзлаб спорт иншоотлари қад ростламоқда.

Ҳа, дунё мамлакатларида ўқувчи ва талаба ёшларнинг турли спорт мусобақалари мавжуд, аммо уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишнинг уч босқичли узлуксиз тизими ҳеч бир давлатда йўқ.

Бундан бир неча йил муқаддам қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизимининг узлуксизлик талабларига уйғунлашган уч босқичли оммавий спорт ҳаракати — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари ташкил этилди ва у бугун бутун дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда. Оммавий спорт ҳаракатининг биринчи босқичи "Умид ниҳоллари" ўйинлари умумтаълим мактаблари ўқувчиларини қамраб олади.

Иккинчи босқич — "Баркамол авлод" беллашувлари касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ўтказилади. Бу спорт мусобақалари ўқувчиларни жисмоний ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида кенг қамровли ишларни янги босқичга кўтаришга ёрдам беради.

Учинчи босқичдаги "Универсиада" спорт мусобақалари олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилиб, уларда халқаро турнирларда мамлакат шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар саралаб олинади. Яна бир муҳим жиҳати, спортнинг маълум тури билан ошно тутинган йигит-қиз бу борадаги фаолиятини бўлажак оиласида, меҳнат жамоаларида ҳам давом эттиради. Мусобақалардан кўзланган асосий мақсад келажагимиз бўлган ёшларни баркамол қилиб тарбиялашдан иборат.

Мусобақалар тарихига тўхталадиган бўлсак, оммавий спорт ҳаракатининг биринчиси 2000 йили Наманганда олий ўқув юртлари талабаларининг илк "Универсиада" мусобақалари билан бошланганди. Унинг республика босқичида икки минг нафардан зиёд талабалар қатнашдилар. "Баркамол авлод" ўйинларининг биринчиси эса 2001 йил 30 апрель — 5 май кунлари Жиззах вилоятида бўлиб ўтди. Ушбу тадбирнинг финал босқичига қадар 538 минг ўғил-қиз иштирок этди.

Мазкур спорт ўйинларида яна бир ажойиб анъанага асос солинди. Ўйинлар машъаласи Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган "Физика — Қуёш" илмий ишлаб чиқариш марказида 2001 йил Фарғона вилоятида "Умид ниҳоллари" ва Бухорода "Универсиада", 2003 йили Хоразмда "Умид ниҳоллари" ҳамда Андижонда "Баркамол авлод", ўтган 2004 йили Самарқандда "Универсиада" юқори савияда ўтди.

Муҳими, мусобақалар муносабати билан жойларда бир-биридан гўзал замонавий спорт иншоотлари қад ростлаяпти, одамларнинг спортга, жисмоний тарбияга муносабати ўзгараяпти. Ёшларимизда майдонларда бир миллат бўлиб юрт шарафини ҳимоя қилиш ғояси шаклланмоқда.

Эсингизда бўлса, "Баркамол авлод—2005" ўйинларига Тошкент вилояти мезбонлик қилганди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мусобақаларнинг саралаш босқичида 645 минг нафар ўқувчи қатнашди. Финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 2170 нафар ўқувчи-ёшлар ўзаро баҳс юритдилар. Бу йилги беллашувларда Олимпия захиралари коллежлари талабалари ҳам илк бор иштирок этди.

Мусобақа муносабати билан Тошкент вилоятида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. "Баркамол авлод — 2005"

«ЎзДЭУавто» янгиликлари

Кўп йиллар мобайнида дунёнинг барча мамлакатларида кузатилган, яъни ёз фаслида анъана бўлиб қолган бир ҳолат — автомобиллар савдоси пасайишини харидорлар гўё "бекор қилиш"га аҳдлашганга ўхшайди. Масалан, май-август ойларида ишлаб чиқарилган миллий машиналаримизга талаб нафақат пасайди, балки янада ортиб борди. Агар харидорлар фаоллигининг бундай ўсиш кўрсаткичи илгари истеъмолчиларга кредитлар ажратиш билан боғлиқ бўлган бўлса, бугунги кунда тижорат банкларимизнинг ушбу йўналишдаги ишларига боғлиқ бўлмаган бошқа сабаб ҳам бор. Бу таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон халқининг турмуши фаровонлашиб, аҳолининг харид қобилияти йилдан-йилга ошиб бораётганидир.

МАШИНАЛАРИМИЗ САВДОСИ АВЖИДА

Миллий автомобилларимизни сотиш кўрсаткичларининг доимий ўсиб бориши бунга далил бўла олади. Ишонч ҳосил қилиш учун рақамларга мурожаат этамиз: мамлакатимизда 2003 йилда 26926 дона, 2004 йилда 34933, 2005 йилда 46261 ва, ниҳоят, 2006 йилнинг етти ойи давомида 36540 дона автомобиль сотилди. Миллий автомобилларимизни ишлаб чиқариш ва сотишнинг бундай суръатлари — яқин келажакда Ўзбекистонда ҳар бир оила камида биттадан машинага эга бўлади, деб ишонч билдиришга имкон беради.

Харидорларимизнинг миллий автомобилларга эҳтиёжларини қондириш учун Асака заводи ва маҳаллийлаштириш корхоналари икки сменада ишламоқда, бироқ ишлаб чиқариш ҳажми доимий ортиб боришига қарамай, ҳали ҳам талаб таклифдан ортиқ бўлиб қолмоқда. «ЎзДЭУ» АЖ расмий дилерлари автосалонларида ҳар бир талабгор — харидор янги автомобилни навбат билан бир ой мобайнида ва бу муддатдан олдинроқ харид қилиш имкониятига эга бўлса ҳам, баъзи бир сабрсиз харидорлар автобозорларга шошиладилар. Ёки автосалонлар атрофида ўралашиб юрган ва харидор орзусининг амалга ошишини гўёки тезлаштириб бергувчи (албатта, қўшимча ҳақ эвазига) ҳар хил шубҳали шахсларга мурожаат этадилар. Уларнинг фикрича, вақтни тежаш учун ортиқча ҳақ тўлаш афзалроқ. Миллий автомобилсозларимиз бир неча бор оммавий ахборот воситалари орқали бу ҳаракатлар оқибати яхши бўлмаслиги ҳақида огоҳлантирдилар. Хусусан, харид қилинган автомобилнинг бир қатор деталлари алмаштирилган ёки носозликлари бўлиши мумкин. Албатта, «ЎзДЭУ» АЖ бозорда сотиладиган автомобиллар учун жавобгар эмас, фақат компания ўз мавқеи тўғрисида қайғуриб, харидорларни расмий дилерлар автосалонларига жалб этишга интилади. Миллий ишлаб чиқарувчимиз сотув қоидаларини бузганлиги учун уларни қатъий жавобгарликка тортиши мумкин ва шундай қилмоқда ҳам. «ЎзДЭУ» АЖ республикамизнинг барча вилоятларида расмий дилерлик корхоналари фаолиятининг доимий мониторингини ўтказиб боради. Бу савдо жараёнида компания сиёсатининг ошкоралигини, истеъмолчиларга сифатли хизмат

кўрсатиш бўйича талабларга амал қилишни таъминлаш учун зарурдир. Айтгандек, навбатдаги текширув куни кеча якунланди. Унинг натижалари бўйича ишлаб чиқарувчининг ва ҳар бир сотувчининг кейинги ўзаро алоқалари ҳамда дилерлик корхоналарига маҳсулот етказиб бериш ҳажмлари белгиланади.

Кейинги йилларда харидорлар харид қилиш қобилиятининг ўсиб бориши ташқи бозорда ҳам кузатилмоқда. Россия автомобиль ишлаб чиқарувчилари эса бунга жавобан, дарҳол ўз автомобиллари нархларини умумий ҳажмда, йилига 10-15 фоизга оширдилар. Масалан, ВАЗ автомобиллари нархи жорий йилда 5 марта оширилди. Россиянинг бошқа ишлаб чиқарувчилари ҳам ундан қолишмадилар. «ЎзДЭУ» АЖ ҳам экспорт қилинадиган маҳсулоти нархини шу йил январь, май ҳамда август ойи бошларида оширганлигини айтиб ўтиш керак. Бозор қонунлари шундай — унинг конъюнктураси бугунги кунда автомобиль ишлаб чиқарувчига мослашувчан нархлар сиёсатини олиб боришни тақозо этади. Ишлаб чиқариш ва даромад ҳажмининг ортиб бориши «ЎзДЭУ» АЖ учун компания фаровонлигини яхшилаш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, замонавий ускуналарни сотиб олиш, қўшимча иш жойларини ташкил этиш, хайрия ишларини амалга оширишда янги имкониятларни яратади ҳамда республика иқтисодиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш, унинг валюта захираларини тўлдириш имконини беради.

Миллий автомобилсозларимиз ҳозирги кунда ички ва ташқи бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаб турган бўлса-да, эртага моделлар сафини кенгайтирмай, таклиф этиладиган қулайликларни кўпайтирмай туриб, кескин рақобатчилик шароитларида эгаллаб турган ўрнини сақлаб қолиши қийин бўлади. Маълумки, яқинда республика автомобилсозлари қутлуғ санани — биринчи машина ишлаб чиқарилганлигининг ўн йиллигини нишонладилар. Ўн йил илгари харидорларимиз учун янги автомобиль сотиб олишнинг ўзи жуда катта воқеа ҳисобланган бўлса, айни кунларда у машина сифати ва қулайликларига талабчанлик билан қарайди. «Nexia» эксклюзив версияларининг сотиш ҳажми ўсиб бориши бежиз эмас, шунингдек, юқори классли «Lacetti» каби автомобилларга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. «ЎзДЭУ» АЖ ички бозорларда жами 3823 дона «Lacetti» машинасини сотган. Харидор бу машинанинг устунликларини юқори баҳолади. Албатта, мазкур моделга талаб катталигини ҳисобга олиб, компания ана шу машиналарни ишлаб чиқариш ва уларни бозорга етказиб беришнинг қўшимча имкониятларини излаб топиши керак. Муштарийлар бу автомобиль ҳақидаги тўлиқ маълумотларни газетанинг кейинги сонларида ўқиши мумкин.

Бугунги кунда миллий автомобилсозларимиз нафақат ўсиб бораётган талабларни, балки харидорларимизнинг қулайликларга ҳамда автомобиль хавфсизлигига бўлган эҳтиёжларини ҳам қониқтиришга тайёр. Бунинг учун компанияда техник ва интеллектуал имкониятлар мавжуд. Тобора ўсиб бораётган автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмларини сотишни амалга ошириш учун эса республикада машиналар савдоси ва техник хизмат кўрсатиш бўйича замонавий мини комплекслар яратилмоқда. Асака, Андижон, Тошкент, Урганч шаҳарларида харидорлар сотиш ва хизмат кўрсатишнинг бундай шакли афзалликларини аллақачон баҳолашга улгурдилар.

Яқинда Жиззах, Нукус, Қўқон, Бухоро шаҳарларида, Сурхондарё вилояти (Денов шаҳри)да ҳам шундай мини комплекслар ишга туширилди. «Машина — ҳашаматлилик белгиси эмас, балки ҳаракатланиш воситаси» ибораси мамлакатимизда ўзининг ҳақиқий ифодасини топди.

t

2006 йилнинг август ойида ички бозорга етказиб бериш режалаштирилган автомобиллар ҳажми

Худуд	моделлар				
	«ДАМАС»	«МАТИЗ»	«НЕКСИЯ» «SOHC»	«НЕКСИЯ» «DOHC»	Жами
1. Қорақалпоғистон Республикаси	50	76	52	10	188
2. Андижон вилояти	157	235	161	34	587
3. Бухоро вилояти	110	171	114	23	418
4. Жиззах вилояти	48	75	48	10	181
5. Қашқадарё вилояти	25	37	27	4	93
6. Навоий вилояти	68	104	70	16	258
7. Наманган вилояти	55	81	55	12	203
8. Самарқанд вилояти	29	43	29	6	107
9. Сурхондарё вилояти	54	82	56	12	204
10. Сирдарё вилояти	22	34	22	4	82
11. Тошкент вилояти	64	96	64	14	238
12. Тошкент шаҳри	432	649	450	93	1624
13. Фарғона вилояти	122	184	123	24	453
14. Хоразм вилояти	85	133	87	17	322
Жами	**1321**	**2000**	**1358**	**279**	**4 958**

Организация реализует автомашины марки «Отойул» М 24, 1998 года выпуска.
Рассмотрим другие предложения — аренда, лизинг.
Телефон 398-33-91. Факс 148-17-43.

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун ШИНА таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., «Братислава» к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

ЎЗБЕК БАЙРОҒИ

ўйинлари дастуридаги асосий мусобақалар ўтадиган Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи қайта реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Мусобақанинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтадиган янги стадион 13 минг 200 нафар томошабинни ўз бағрига сиғдира олади.

Нафақат республикада, балки Марказий Осиёда ягона бўлган ёпиқ спорт манежида спортнинг 22 тури билан шуғулланиш учун имкониятлар мавжуд. 2200 нафар томошабин бу ерда ўтадиган мусобақаларни кузатиш имкониятига эга. Ёки яқинда Қашқадарё вилоятида якунланган «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақалари муносабати билан бунёд этилган спорт мажмуаларини эсланг.

Низомга мувофиқ, мусобақалар халқаро олимпия талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилади. Холислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, тотувлик каби олимпиада қадриятлари мазкур тизимдаги спорт ўйинларининг доимо бош мезони бўлиб қолади.

...1994 йилда Японияда ўтказилган тўртинчи Осиё ўйинлари Ўзбекистон спортчилари учун қитъадаги биринчи синов бўлди. Албатта, спортнинг бир неча турлари бўйича мамлакатимизда етакчи ўйинчилар бор эди. Биз уларнинг ғалабасига ишонардик. Улар нафақат Осиё ўйинларида, ҳатто жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ҳам ғолиб чиқишга қодир эди. Шундай бўлди ҳам. Осиё ўйинлари мусобақаларида илк бор иштирок этган ватанимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Миллионлар ўйини бўлган футболда кўпчилик японлар ёки Жанубий Корея футболчилари ғолиб чиқади деган тахминни илгари сурганди. Айримлар эса Саудия Арабистони ёки эронликлар ҳам ғолиб чиқиши мумкин дейишганди. Бу рўйхатга мамлакатимиз футбол мухлислардан ташқари ҳеч ким Ўзбекистонни киритмаганди.

Аммо футболчиларимиз кутилмаганда ғолибликни қўлга киритди. Бунинг устига ярим финалда жанубий кореяликларни, финалда эса хитойликларни мағлуб этди.

Ҳар йили Лондонда ўтадиган Уимблдон теннис турнирини мутахассислар норасмий жаҳон чемпионати ҳам дейишади. Унда ғолиб чиқиш осон эмас. Чунки Лондон турнирига дунёнинг энг етакчи спортчилари ташриф буюради. 1998 йилги баҳсларни яхши эслайсиз. Ўшанда юртдошимиз Ирода Тўлаганова биринчи марта иштирок этганди бу мусобақада. Уимблдон турнири ёш теннисчиларга катта теннис чўққилари учун ўзига хос босқич ҳисобланади. Бу ерда тасодифий ғалабалар бўлиши мумкин эмас.

Ўша турнирда Ирода словениялик Петра Рампра билан бирга жуфтлик баҳсларида қатнашди. Албатта, узоқ Ўзбекистондан борган 16 ёшли қизалоққа кимлардир беписанд қараган бўлиши мумкин. Аммо Ирода Тўлаганова дугонаси Петра билан ҳеч ким кутмаган ҳолда кетма-кет рақибларини енга бошлади. Айримлар бу икки қизалоқнинг ғайрат ва шижоатини кўриб шошиб қолишди. Ирода ва Петранинг шонли юришларини Оқгул Омонмуродова фаолиятига ҳам мутахассислар илиқ фикрлар билдиришмоқда.

2004 йилнинг 13 июль куни Ўзбекистон спорти тарихида энг унутилмас кунлардан бири сифатида қолади. Худди ўша куни ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Триполида ўтган жаҳон чемпионатида шахмат оламининг энг ёркин юлдузлари иштирок этди. Албатта, чемпионат арафасидаги ўзаро суҳбатларда, тахминларда Рустамни ҳеч ким чемпионликка даъвогарлар сафига қўшмаганди. Аммо ўйиндан-ўйинга Рустам "очилиб" борди. Ва финалда жаҳондаги энг номдор шахматчилардан бири Буюк Британия спортчиси Майк Адамсни мағлубиятга учратиб, шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган унвонни қўлга киритди.

Р.Қосимжоновнинг ҳаёт йўлига эътибор берсангиз, у доимо мамлакатимиз раҳбари назарида турганига гувоҳ бўласиз. У эришган ҳар бир ғалаба Ислом Каримов томонидан тақдирланган. Шахмат бўйича дунёнинг амалдаги чемпиони 1999 йилда "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, 2000 йида эса "Ўзбекистон ифтихори" унвонига сазовор бўлди. Триполидаги фақат финал ўйиндагина тўхтата олишди. Илк қатнашувдаёқ ўзбек қизи Ирода Тўлаганованинг Уимблдон ёшлар турнирида иккинчи ўринни эгаллаши кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлди. Кейинроқ Ирода кўплаб халқаро мусобақаларда иштирок этди ва ютуқларга эришди. У дунё теннис таснифида кучли йигирмаликдан жой олди. Иқтидорли теннисчиларимиз ғалабасидан сўнг эса мамлакатимизнинг юксак мукофоти — Амир Темур ордени билан тақдирланди.

...Миллий курашимиз бўйича ўтказилаётган халқаро мусобақаларни кузатганимизда ҳар доим қалбимизни ғурур эгаллайди. Мусобақани бошқариб бораётган ҳакамлар, қайси миллатга мансублигидан, қайси мамлакатдан келганлигидан қатъи назар, ўзбекча гапиришади. Ҳалол, чала, ёнбош, дакки, гирром деган ўзбекча сўзларни худди ўз она тилидаги сўзлар каби талаффуз қилишади. Хўш, бундан фахрланмай, ғурурланмай бўладими?

Шукрки, бугун ўзбек кураши ҳам жаҳон саҳнасига чиқди. Халқаро спорт тури мақомини олди. Бешта қитъада Кураш конфедерациялари ташкил этилиши ва фаолияти йўлга қўйилиши дунё спорт турлари тарихида мисли кўрилмаган воқеа бўлди. Бугунга келиб, Халқаро Кураш Ассоциациясига аъзо давлатлар сони 80 га яқинлашиб қолди.

Мухлисларни ҳамиша ҳаяжонга солувчи ўзбек кураши тезлик билан оммалашиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Миллий курашимизда оғриқ берувчи усуллар қўлланилмайди. Демак, ўзбек кураши Олимпиада сари дадил қадам ташлаяпти.

Бугун дунёдаги нуфузли халқаро спорт ташкилотлари жаҳон ва қитъа чемпионатларини, халқаро мусобақаларга Ўзбекистон мезбонлик қилиши таклифи билан чиқишмоқда. Ҳар йили бундай спорт байрамининг тўрт-бештаси юртимизда ўтказилаяпти. Жаҳон ёки Осиё чемпионатига мезбонлик қилишни истовчи давлатлар дунёда кам деб ўйлайсизми? Йўқ, истаганча топилади. Бунинг учун ўша мамлакатдаги спорт мажмуалари ҳолати халқаро талабларга жавоб бериши керак. Бир пайтлар мамлакат пойтахтида биттагина кўзга кўринарли спорт иншооти — "Пахтакор" стадиони бор эди. Бугунчи? "Динамо" теннис корти, "Ўзбекистон" спорт мажмуаси, бир пайтлар ўрни жар бўлган "ЖАР" спорт-соғломлаштириш мажмуи, "Умид" болалар спорт мажмуи ва вилоятларда бунёд этилган иншоотларда нуфузли мусобақаларни ўтказиш учун барча имкониятлар етарли.

Насиб этса, Олимп чўққисида доимо ўзбек байроғи ҳилпирайверади.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!
Истагимиз – ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

Die Schweizerische Eidgenossenschaft offeriert für das Studienjahr 2007-2008 für usbekische Studienabgänger/innen Stipendien. Die Stipendien werden prioritär an Kandidaten/innen mit Studienrichtungen abgegeben, welche für die Entwicklung Usbekistans von Bedeutung sind. Kunststipendien sind ausgeschlossen.

Die Kandidaten/innen sollten folgende Kriterien erfüllen:

1. Alterslimite 35 Jahre
2. Universitätsabschluss mit Magister
3. Gute schriftliche und mündliche Sprachkenntnisse (Deutsch, Französisch oder Italienisch).
4. Genaues Studienziel sowie detaillierter Forschungs- bzw. Studienplan für die gewünschte Studienrichtung in der Schweiz. Im Verlaufe der Vorselektion müssen die Kandidaten/innen ihr Forschungs- bzw. Studienprojekt vorstellen.
5. Gute Wiedereingliederungsmöglichkeiten in den beruflichen Prozess nach der Rückkehr nach Usbekistan.

Interessierte Kandidaten/innen sind gebeten, ihr Forschungs- bzw. Studienprojekt für die Vorselektion in schriftlicher Form (Maximum 3 Seiten, in Deutsch, Französisch oder Italienisch) **bis zum 12. September 2006** an die Schweizerische Botschaft einzusenden. Die Projekte können entweder direkt bei der Botschaft abgegeben oder können per Post an folgende Adressen geschickt werden:

1. Schweizerische Botschaft, Usmon Nosir Strasse, Tupik ¼., 100070 Taschkent.
2. Glavpotchtamt, P.O. Box 5770, 100000 Taschkent.

Der Projektvorschlag muss von einem Schreiben begleitet werden, welches folgende Angaben enthält: Name, Vorname, genaue Adresse, Telefonnummer, Emailadresse, etc.

In der Woche **vom 19. bis zum 21. September** werden die vorselektionierten Kandidaten/innen befragt. Während dieses Interviews muss das Forschungs- bzw. Studienprojekt vorgestellt werden. Es werden dessen Seriosität wie auch die mündlichen Sprachkenntnisse getestet. Nur jene Kandidaten/innen, welche dieses Interview bestehen, werden danach gebeten, die notwendigen Formulare auszufüllen und mit einer entsprechenden Universität in der Schweiz Kontakt aufzunehmen.

3048-1H/1436

La Confédération Suisse offre des bourses d'un an d'études universitaires 2007-2008 pour les étudiant(e)s ouzbek(e)s post- gradué(e)s. Les bourses sont octroyées en priorité, pour des disciplines qui sont importantes pour le développement de l'Ouzbékistan. Les bourses de formation artistique sont exclues.

Les candidat(e)s doivent répondre aux critères suivants :

1. Limite d'âge est 35 ans
2. Degré universitaire de magistrat
3. Bonne maîtrise de la langue d'enseignement, orale et écrite (allemand, français ou italien).
4. But précis et bien argumenté des études ou de la recherche à être effectuées en Suisse. Lors de la pré - sélection les candidat(e)s devront présenter leurs projets de recherche.
5. Prise en considération des possibilités d'insertion professionnelle en Ouzbékistan après la fin d'études.

Les candidat(e)s intéressé(e)s sont prié(e)s à soumettre leurs projets de recherche, par écrit (maximum de 3 pages, en français, allemand ou italien), pour la pré - sélection à l'Ambassade de Suisse jusqu'au **12 septembre 2006** au plus tard. Les projets peuvent être soumis directement à l'Ambassade de Suisse ou envoyés par poste aux adresses suivantes :

1. Ambassade de Suisse, rue Usmon Nosir, tupik ¼., 100070 Tachkent.
2. Glavpotchtamt, P.O. Box 5770, 100000 Tachkent.

Le projet doit être accompagné d'une feuille avec les données personnelles: nom, prénom, adresse exacte, numéro de téléphone, adresse e-mail, etc.

Dans la semaine du **19 au 21 septembre**, les candidat(e)s sélectionné(e)s seront invité(e)s pour l'interview pendant lequel ils/elles devront présenter leurs projets et faire preuve de la bonne connaissance de la langue d'études prévue. Seules les personnes sélectionnées lors de l'interview seront invitées à remplir les formulaires et à contacter les universités suisses.

3048-3H/1436

La confederazione svizzera, per l'anno universitario 2007-2008, offre borse di studio per studenti (uomo o donna) uzbeki post graduati. Le borse sono attribuite prioritariamente a studenti di discipline importanti per lo sviluppo dell'Uzbekistan. Borse per studi d'arte sono escluse.

I candidati devono corrispondere ai seguenti criteri:

1. Età massima di 35 anni
2. Diploma universitario con laurea
3. Buona padronanza orale e scritta della lingua d'insegnamento scelta (italiano, tedesco o francese)
4. Scopo preciso con piano dettagliato degli studi o della ricerca da effettuare in Svizzera. Al momento della preselezione i candidati dovranno presentare i loro progetti di ricerca.
5. Seria considerazione delle possibilità d'inserimento professionale in Uzbekistan dopo aver terminato gli studi.

I candidati interessati sono pregati di presentare, per la preselezione, i loro progetti di ricerca per iscritto (3 pagine al massimo, nelle lingue italiano, tedesco o francese) all'Ambasciata Svizzera entro e non **oltre il 12 settembre 2006**. I progetti potranno essere consegnati direttamente all'Ambasciata Svizzera o essere inviati per posta ad uno degli indirizzi seguenti:

1. Ambasciata Svizzera, via Usmon Nosir, tupik ¼, 100070 Tashkent
2. Glavpotchtamt, P.O. Box 5770, 100000 Tashkent

Il progetto deve essere accompagnato da una pagina con i dati personali: cognome, nome, indirizzo esatto, numero di telefono, indirizzo e-mail, etc.

Nel corso della settimana **dal 19 al 21 settembre** i candidati prescelti saranno invitati per un'intervista durante la quale dovranno presentare il loro progetto facendo pure prova delle buone conoscenze della lingua che avranno scelto per gli studi. Solo le persone che avranno passato l'intervista con successo, saranno invitate a riempire il formulario d'iscrizione e a prendere contatto con le università svizzere.

3048-3H/1436

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad — Сделаем жизнь спокойнее!
RUBEZH ADI International
Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
НАДЕЖНАЯ ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ
Охранно-пожарная контрольная панель управления (пр-ва России) - 8-40 зон: от 108 000 сум
Датчики дымовые оптико-электронные (пр-ва России): от 10 000 сум
ЕВРОПЕЙСКОЕ КАЧЕСТВО - ПРОВЕРЕННОЕ ВРЕМЕНЕМ
по цене от 11 000 сум за датчик Is215 и 150 000 сум за панель SYS2316
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама – бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Қўшничиликнинг аҳамияти ҳақида

Абу Шурайх Ҳизоий (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳар ким Аллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонса, қўшнисига яхшилик қилсин, меҳмонини ҳурмат қилсин ва ширин сўзли бўлсин. Агар айтадиган яхши сўзи бўлмаса, унда гапиришдан тилини сақласин", дедилар".

Қайси қўшни яқинроқ бўлса...

Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)-дан: " Ё Расулуллоҳ! Менинг иккита қўшним бор, ҳадяни шулардан қайси бирига беришим керак?" — деб сўраганимда, "Қайси биттасининг эшиги сенга яқинроқ бўлса, ўшанга берасан", дедилар".

Қўшничиликнинг ҳудуди ҳақида

Ҳасан Басрий (р.а.)дан қўшни ҳақида сўралганда, у шундай жавоб берди: "Ховлининг олд томонидан қирқ ховли, орт томондан қирқ, ўнг томонидан қирқ, сўл томондан қирқ ховлининг ҳаммаси қўшни ҳисобланади".

Қўшнининг яхшиси ҳақида

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Суҳбатдошларнинг энг яхшиси хушфеъл ва кўнгилга маъқули ва қўшниларнинг ҳам энг яхшиси қўшнисига муносабатда мумтозидир", дедилар".

Солиҳ қўшни ҳақида

Нофиъ ибн Абдул Ҳорис (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.) "Кенг турар жой, солиҳ қўшни ва беозор улов бўлиши мусулмон кишининг саодатидир", дедилар".

Қўшнига озор бермаслик ҳақида

Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) дан: "Ё Расулуллоҳ! Фалончи хотин кечалари туриб ибодат қилади, кундузлари рўза тутади ва одамларга хайр-эҳсон ва бошқа яхши ишларни ҳам қилади. Лекин тили билан қўшниларига озор беради. Бунинг оқибати қандай бўлади?" — деб сўралганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бу хотинда яхшилик йўқ, у дўзах аҳлидандир", дедилар. Яна: "Фалоний хотин фарз намозини ўқийди ва эски кийим-бош каби арзимайдиган нарсаларини садақа қилади. Шу билан бирга, у ҳеч кимга озор бермайди", дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бу хотин жаннат аҳлидан", дедилар".

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ тайёрлади.

Санъат олами

МУСИҚА СЕҲРИ ВА МЕҲРИ

Дастлаб Дурдибой оғани кўрганимда ёғ заводи ёки дон маҳсулотлари комбинатининг раҳбари бўлса керак, деб ўйладим. Басавлат. Полвонсифат одам. Юрганда поллар ғижирлайди. Лекин ҳаракатлари чаққон, юзида фариштаси бор. Бироз гурунглашгач, ширинсуҳбат ва хушкалом эканлигини англадим. Уни менга Урганч санъат коллежи директори, деб таништиришди. Раҳматжон Қурбоновнинг телевизорда таралаётган оҳангларига беихтиёр тебранаётганлигиданоқ мен бу инсоннинг санъатга дахлдорлигини сезгандай бўлган эдим.

— Раҳматжон Қурбонов билан коллежимиздаги учрашувни талабаларимиз ҳали-ҳануз эслаб юришади, — дейди Дурдибой Каримов телевизордан кўзини узмай. — Ҳофиз қўшиқ айтди, устоз санъаткорлар ҳаёти ва ижоди хусусида ҳикоя қилди, ижрочилик санъати, унинг ўзига хос қувончлари-ю ташвишлари, талабалар учун бугунги илмнинг эртанги хосиятлари ҳақидаги суҳбатлар ёшларимизнинг онгида бир умрга муҳрланиб қолди, десам янглишмаган бўламан. Зеро, бу учрашувнинг яна бир ибратли томони шундаки, Раҳматжон айнан бизнинг коллежимизнинг собиқ талабаси ҳамдир. Ўқув масканимизда бундай амалий мулоқотлар тез-тез ўтказиб турилади.

Дарҳақиқат, Урганчдаги бу ўқув даргоҳини тамомлаб, бугунги кунда санъатимиз довруғини элларарo ошириб юрган фидойи инсонлар анчагина.

Шу боис коллеж раҳбарияти ўтган ўқув йилидан бошлаб кескин янгиланишларга бел боғлади. Истиқлол йўлидаги заҳматдан, ёруғ келажак учун қилинадиган меҳнатдан чўчимади. Ғойибдан марҳамат кутмади, ўз кучларига, салоҳиятларига ишонди. Зеро, Бухорий ҳазратлари айтмишларки: «... кўтарилган қўл (меҳнат қиладиган қўл) туширилган қўлдан (тиланчи қўлдан) яхшидир».

Энг аввало, устозларнинг сифат таркибига катта эътибор берилди. Санъат соҳасидаги муваффақиятлари, ижрочилик йўллари билан вилоятда ҳам, республикада ҳам танилиб қолган бир қатор хонанда, созанда, бастакор, мутахассислар ишга таклиф этилди. Жумладан, Бозорбой Ўринов, Отабой Холлиев, Озод Иброҳимов, Бобожон Сафоев, Одилбек Жуманиёзов, Дилором Юсупова каби санъат намояндалари айни пайтда талабаларнинг севимли устозларига айланган.

Ўқув даргоҳида таълим-тарбия жараёнларида ҳеч бир машғулотга иккинчи даражали деб қаралмайди. Масалан, бўлғуси санъаткор учун унча муҳим деб ҳисобланмайдиган саҳна нутқи сабоқларини олайлик. Сабоқларни кузатган одам унинг жуда муҳим малака ва кўникмалар бахш этишини англаб етади. Ахир санъаткор ўзини саҳнада кўрсатади. Саҳна маданиятини, нутқини пухта эгалламасдан етук санъаткор бўлиш мумкинми, ахир?!

Бўлғуси санъаткорларга фортепьяно маҳоратларини эринмай ўргатаётган бўлим бошлиғи Айна Жумамуратова, ўқитувчи Татьяна Пак, анъанавий ижродан сабоқ бераётган, ўзбек халқ чолғу асбоблари бўйича билим ва кўникмаларни эринмай ўргатаётган Улуғбек Боғибеков, Даврон Тиллаевлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш мумкин. Зеро, умумий ўрта мактабларидагидек, улар кўпинча бутун синфга эмас, кичик-кичик гуруҳларга ва кўп ҳолатларда якка ижрочиларга дарс берадилар. Бунда, табиийки, натижалар дарров кўзга ташланади.

Жаҳон санъатининг ижрочилик маҳоратини пухта билмай-ўрганмай туриб миллий санъатни ҳам дунёга танитиш қийин. Шу сабабли коллежда турли халқлар ва миллатлар санъатларини, уларнинг мусиқа асбоблари сирларини ўргатишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳамдам Раҳимов, Нодира Юсупова, Мақсуд Собиров, Улуғбек Худойберганов сингари устоз ва мураббийлар раҳбарлик қилаётган синфларда виолончель, пуфлама асбоблар, скрипка бўйича ёшлар ўз маҳоратларини мунтазам ошириб келишмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар кўрик-танловларда тезда кўзга ташланмоқда.

Коллежда мақомчилар ансамбли фаолият кўрсатаётган истеъдодли мураббий Дилором Юсупова раҳбарлик қилмоқда. Барно Сафарова, Дилфуза ва Мунира Ҳожихоновалар шу дастанинг умидли ижрочиларидан. Шунингдек, коллежда достончилик дастаси ҳам ташкил этганмиз. Унга Бола бахшининг ўғли Матёқуб Абдуллаев раҳбарлик қила бошлади. Илгарилари халқ достонлари узуқ-юлуқ ўрганилар, бу достоннинг ҳам, ижрочининг ҳам мукаммал қиёфасини акс эттиролмас эди. Шу туфайли дастада халқ достонларини тугал ҳолатда ўрганишга киришилди.

Айни пайтда жамоада Истиқлол шодиёнасига катта тайёргарлик кетмоқда. Ахир, куйсиз, қўшиқсиз байрам бўладими? Бу санъат даргоҳидан эса, бир дақиқа бўлсин, куй ҳам, қўшиқ ҳам аримайди. Биз ҳам ҳар доим меҳнат билан, яратувчанлик ва фидойилик билан банд бўлган, яъни ҳадиси шарифда зикр этилганидек, кўтарилган қўллар ҳеч қачон пастга тушмаслигини, улар ёш навниҳолларга суянч ва таянч бўлишини жуда-жуда истаб қоламиз.

Элимизнинг санъат дарғаларидан Ортиқ Отажонов, Оғабек Собиров, Равшанбек Матёқубов, Азамат Отажонов, Азимбой Сафоев... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Энг муҳими, ушбу анъаналарни изчил давом эттиришни, ёш талантларни авайлаб-асраб устозлар сафига қўшишни бу жамоа ўзининг биринчи вазифаси деб ҳисоблайди.

Эсирган БОЛИЕВ.

ДСК матбуот маркази хабар қилади

Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекцияси ва Ички ишлар бўлими йўлпатруль хизмати ходимлари ҳамкорликда ўтказган қисқа муддатли текширишда давлат рақами 14 I 28 47 бўлган «Дамас» русумли машинасида аҳолига рухсатсиз ва ҳужжатсиз пуллик хизмат кўрсатиб юрган фуқаро Мақсуд Нормуҳамедов қўлга тушди.

Гапни гапир уққанга...

У 1 апрелда ҳам худди шундай ҳолатда тўхтатилиб, 47 минг сўмлик маъмурий жаримага тортилган эди. Жарима кор қилмаган экан, яна қўлга тушиб турибди. Энди унга нисбатан жиноят иши очишга тўғри келди.

Фуқаро Суҳроб Ражабовнинг бошига ҳам Мақсуднинг куни тушди. У ҳокимият ва давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтмай, лицензия олмай, солиқлар ва бошқа тўловларни тўламай аҳолига пуллик хизмат кўрсатиб юрганида сири фош бўлиб, 47 минг сўмлик маъмурий жаримага тортилган эди. Афсуски, солиқчиларга берган ваъдаларини унутиб, яна киракашликни давом эттираверди. Ана, оқибати — энди қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Сохталикнинг умри қисқа

Танҳоз қўрғончаси ҳудудидан Шаҳрисабз шаҳри томон бораётган 18 Д 95-94 давлат рақамли юк автомашинаси рейд ўтказаётган Шаҳрисабз тумани Давлат солиқ инспекцияси, ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хизмати ходимларида шубҳа уйғотди. Шу боис улар машина йўлига пешвоз чиқиб, уни тўхтатишди.

Дастлабки суриштирувлар жараёнида «КамАЗ» Чироқчи туманидаги Ҳардури қишлоғида яшовчи Зуҳриддин Намозовга тегишли эканлиги аниқланди. Унга «Карвон» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган олти турдаги 16 минг 465 шиша 15 миллион 18 минг сўмлик арақ ортилган экан.

Текширувчилар маҳсулот ҳужжатларини сўраганда ҳайдовчи уларга 161-рақамли ҳисоб-фактурани тақдим этди. Аммо 2006 йил 23 июлда Шаҳрисабз «Шароб» базаси ходими Сирожиддин Зубайдуллаев номига 85-сонли ишонч хатига асосан берилган ушбу ҳужжат сохта бўлиб чиқди. Арақлар «Карвон» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонаси директори Ш. Шоабдурасулов, Китоб туманида истиқомат қилувчи тадбиркор С. Қурбонов ҳамда бошқа мансабдор шахсларнинг олдиндан ўзаро тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилишлари туфайли Шаҳрисабз шароб улгуржи савдо базасига чиқим қилиниб, сотиш учун олиб келинаётганлиги аниқланди. Шунга кўра, айбдорларга нисбатан Жиноят кодексининг 167-модда 3-қисми «а» банди ҳамда 209-модда 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ, Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси матбуот маркази бошлиғи.

2006 йил 14 сентябрь — ЭЪЛОН! — соат 10.00 да

ВШ-713	Тошкент — Зарафшон, икки томондан
ВШ-762	Тошкент — Навоий, Тошкент томондан
ВШ-815	Тошкент — Учқудуқ, икки томондан
ВШ-896	Самарқанд — Учқудуқ, Учқудуқ томондан
ВШ-905	Ҳазорасп — Тўрткўл, икки томондан
ВШ-918	Урганч — Тўрткўл, икки томондан
ВШ-956	Тошкент — Урганч, икки томондан
ВШ-973	Жиззах — Пахтаобод, Жиззах томондан
ВШ-978	Пахтаобод — Зомин, Пахтаобод томондан
ВШ-988	Тошкент — Термиз, Тошкент томондан
ВШ-1022	Тошкент — Денов, Тошкент томондан
ВШ-1033	Тошкент — Нукус, икки томондан
ВШ-1056	Тошкент — Хўжайли, икки томондан
ВШ-1087	Вобкент — Тошкент, икки томондан
ВШ-1089	Қамаши — Тошкент, икки томондан
ВШ-1033«Т»	Тошкент — Нукус, икки томондан
ВШ-1056 «Т»	Тошкент — Хўжайли», икки томондан

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **идоралараро комиссия.**

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 20210000000745005012 махсус ҳисоб рақами (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 минг сўм ўтказиб, 2006 йил 9 сентябргача буюртма беришлари лозим.

Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2006 йил 13 сентябрь соат 14.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент ш., Усмон Юсупов к., 3-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.

2006 йил 22 - 25 август

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»

Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг экспортга мўлжалланган маҳсулотларининг анъанавий кўргазмаси

Иш тартиби:
22 август 12.00 - 18.00
23 август 10.00 - 18.00
24 август 10.00 - 18.00
25 август 10.00 - 16.00

Ахборот кўмаги:

Кўргазма стендлари Сизга мунтазир!

Made in Uzbekistan

Ташкилотчилар:

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

UEC OZBEKSPOMARKAZ NATIONAL EXHIBITION COMPANY

Кўргазма ташкилотчиларининг манзил ва боғланиш телефонлари: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси 107, "Ўзэкспомарказ" МКК" ОАЖ
E-mail: Info@uzexpocentre.uz
Тел.: (99871) 138 56 10, 138 56 35
Факс.: (99871) 134 40 88, 134 54 40

MANNESMANN
МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ
под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазир ўринбосари Есемурат Султамуратович Каньязовга падари бузруквори **СУЛТАМУРАТ отанинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти жамоаси и.ф.д., профессор Р. Ҳ. Ҳусановга акаси **Ҳайитмат ҲУСАНОВнинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси «Тери таносил касалликлари» кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саидқосим Орифовга отаси **Саидазим ОРИФОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбек ипаги» уюшмаси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси «Пилла» акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси Б. Холмуродовга турмуш ўртоғи **Момажон ая ХОЛМУРОДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 12345